

РОССИЯДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Ушбу мақолада Россия саноати ривожланишига таъсир этувчи омиллар, Россияда инновацион иқтисодиётга ўтиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, айрим тармоқлар ривожланиши учун ишлаб чиқилган стратегик йўналишлар ва мазкур дастурларнинг истиқболда мамлакат саноат соҳасининг тизимли ривожланишига таъсири каби масалалар ёритилган.

Бугунги кунда Россия иқтисодиёти ривожланишининг муҳим масалаларидан бири - бу хом ашёга асосланган иқтисодиётни инновацион жиҳатлардан ривожлантириш бўлиб, бу мавзу матбуотда, илмий доираларда жуда атта қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда.

Кўпчилик мутахассислар Россия дунёнинг ривожланган иқтисодиётлари учун хом ашё базасига айланиб қолиши мумкинлигини таъкидлашмоқда ва бундай вазиятдан чиқишнинг йўллари таклиф қилишмоқда. Бунинг асосий йўлларида бири саноатлашув жараёни тезлаштириш ва бизнесга кенг йўл очиб беришдан иборатдир, деб ҳисобланапти¹.

Бугунги замонавий Россиядаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг даражасига баҳо берган айрим мутахассислар саноат соҳасидаги модернизацияни амалга ошириш учун молиявий капитални жалб этишда катта қийинчиликлар мавжуд, бугун инновацион тармоқларни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш мураккаб вазиятда кечади, деб ҳисоблашмоқда. Аммо, Россиянинг илмий-техника ва инновацион иқтисодиётни барпо этиши учун халқаро интеграциялашиш талаб қилинади.

Бугун Россиянинг технологик жиҳатдан саноатлашган дунёдан орқада қолаётгани эътироф этилмоқда. Бу эса жараёнга акс таъсир кўрсатувчи омил бўлиб қолмоқда. Мутахассислар фикрича, шу сабабли техноген ҳолатлар ва нохуш вазиятлар ҳам тез-тез учраб турбди².

Инвестициялар таркибида углеводородлар қазиб олишга ва қувур транспорти тизимини модернизация қилишга сарф-харажатларнинг улуши ортиб бораётгани ҳам таъкидланмоқда. Айтиш ўринлики, капитал ва бошқа пул ресурслари фойда нормаси қаерда юқори бўлса, шу соҳаларга тезроқ кириб боради. Россияда хом ашё қазиб олиш тармоқларида фойда нормаси юқори ҳисобланади. Бозор шароити эса айнан шу тармоқлар маҳсулоти

¹newsinfo.ru 2011-03-04.

²Иванов В.В. Технологическое пространство и экология технологий //Вестник РАН, 2011, т.81, № 5, с. 414-418, Иванов В.В. Инновационная парадигма. - М.: Наука, 2011.

юқори рентабелли эканлигини кўрсатмоқда³.

Маълумотларга кўра, саноат тармоқларида асосий воситаларнинг эскириши ҳам тезлашмоқда, уларнинг ўрнини янгилари билан тўлдириш эса секин рўй бермоқда. Масалан, Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси маълумотларига кўра, инвестицион жараёнда асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш масаласига етарли эътибор берилмайди, улар тез суръатларда эскириб бормоқда⁴.

Жумладан, 2010 йил охирига келиб асосий фондларнинг эскириши 45,6 фоизни, тўла эскирган машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши эса 20,5 фоизни ташкил этди. Айрим фаолият турларида - «транспорт ва алоқа», «таълим», «соғлиқни сақлаш», «электр энергия, газ ва сув ишлаб чиқарш ва тақсимлаш» кабиларда эскириш 50 фоиздан ошади. Асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти эса 2009-2010 йилларда 4,1 фоиздан кам бўлди.

Киши бошига тўғри келадиган қайта ишлаш сектори маҳсулоти ҳажми Россияда қатор саноатлашган давлатлардан бир неча баробар кам. Масалан, 2010 йил маълумотларига кўра, бу кўрсаткич Россияда 504 долларни ташкил этса, АҚШда 11 марта, Сингапур ва Японияда 16 марта кўпдир. Хитой, Бразилия, Греция, Таиланд ёки Уругвайда ҳам бу кўрсаткич Россиядан юқориқдир. Бугун Россиянинг 10 фоиз корхоналари инновацион маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса, шундан бор-йўғи 2 фоизигина экспорт қилинади. Россия экспортида машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши охириги 15 йилда икки баробарга қисқарди ва 2011 йилда қарийб 4,1 фоизни ташкил этди. Жумладан, учиш аппаратлари – 1,2 фоиз, енгил автомобиллар – 0,1 фоиз, юк автомобиллари – 0,06 фоиздан иборат бўлди. Нанотехнология маҳсулотлари улуши 2011 йилда 0,06 фоизни, яъни 268 млн. долларни ташкил этди⁵.

Кейинги йилларда бу тажриба ўрганилган ва айрим тармоқ дастурлари қабул қилинган ҳамда амалга оширилмоқда. Тармоқлар ривожланишининг стратегик йўналишлари ишлаб чиқилган. Айримлари қуйидагилар:

- Россия Федерациясида автомобил саноатини ривожлантиришнинг 2020 йилгача стратегияси;
- Россия Федерациясида авиация саноатини ривожлантиришнинг 2015 йилгача стратегияси;
- Россия Федерациясида 2011-2015 йиллар ва 2020 йилгача савдони ривожлантириш стратегияси;
- Россия Федерациясида дори-дармон саноатини ривожлантиришнинг 2020 йилгача стратегияси;
- Россия Федерациясида металлургия саноатини ривожлантиришнинг 2020 йилгача стратегияси;
- Россия Федерациясида енгил саноатни ривожлантиришнинг 2020 йилгача стратегияси;

³Модернизация России: социально-гуманитарные измерения/под ред. Акад. Н.Я. Петракова/РГНФ; РАН.- М.;СПб.: Нестор-История, 2011, с. 234.

⁴Заключение Счетной палаты Российской Федерации на проект федерального закона «О федеральном бюджете на 2012 год и на плановый период 2013 и 2014 годов» от 7 октября 2011 г.

⁵Гурова Т, Ивантер А. Мы ничего не производим. Эксперт. 2012. 26 нояб.

- Россия Федерациясида 2007-2010 йиллар ва 2015 йилгача транспорт машинасозлигини ривожлантириш стратегияси;
- 2020 йил ва ундан кейинги йилларда кemasозлик саноатини ривожлантириш стратегияси.

Мазкур дастурлар истиқболда мамлакат саноат соҳасининг тизимли ривожланишига ўзига хос ижобий таъсир кўрсатиши белгилаб қўйилган.

Мутахассисларнинг фикрича, устувор тармоқларни узоқ истиқболга мўлжаллаб ривожлантириш жараёнини давлат ўз назоратига олиши, директив ва директив бўлмаган тармоқ дастурларини қабул қилиши ва амалга ошириш жараёни устидан бошқарувни ташкил этиши лозим. Бу ёндошув бозор иқтисодиёти тамойилларига зид келмайдиган шаклда ташкил этилиши зарур. Хитой ва бошқа қатор давлатлар тажрибасида ҳам шундай бошқарув ва тартибга солиш амалиётини кўришимиз мумкин.